

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O‘RTA MAXSUS
TA‘LIM VAZIRLIGI**

URGANCH DAVLAT UNIVERSITETI

ILM SARCHASHMALARI

Jurnal O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Oliy attestatsiya komissiyasining FILOLOGIYA, FALSAFA, FIZIKA-MATEMATIKA hamda PEDAGOGIKA fanlari bo‘yicha doktorlik dissertatsiyalari asosiy ilmiy natijalarini chop etish tavsiya etilgan ilmiy nashrdir.

4.2021

**научно-теоритический методический журнал
Издаётся с 2001 года**

Urganch – 2021

Bosh muharrir dotsent **Ro‘zimboy YO‘LDOSHEV**

	TAHRIR HAY’ATI:
JURNAL 2001-YILDAN CHIQA BOSHLAGAN	ABDULLAYEV Bahrom, fizika-matematika fanlari doktori, ABDULLAYEV Ikrom, biologiya fanlari doktori, professor, ABDULLAYEV Ilyos, iqtisod fanlari doktori, ABDULLAYEV Ravshanbek, tibbiyot fanlari doktori, professor, ABDULLAYEV O‘tkir, tarix fanlari doktori, ANNAMURATOVA Svetlana, pedagogika fanlari doktori, professor, BERDIMUROTOVA Alima, falsafa fanlari doktori, professor, DAVLETOV Sanjarbek, tarix fanlari doktori, DO‘SCHONOV Tangribergan, iqtisod fanlari doktori, professor, ERMETOVA Jamila, filologiya fanlari nomzodi, dotsent, HAJIYEVA Maqsuda, falsafa fanlari doktori, IBRAGIMOV Zafar, fizika-matematika fanlari nomzodi, IMOMQULOV Sevdior, fizika-matematika fanlari doktori, JO‘RAYEV Mamatqul, filologiya fanlari doktori, professor, JUMANIYAZOV Maqsud, texnika fanlari doktori, professor, JUMANIYOZOV Otaboy, filologiya fanlari nomzodi, professor, KALANDAROV Aybek, filologiya fanlari bo‘yicha falsafa doktori (mas’ul kotib), NAVRUZOV Qurolboy, fizika-matematika fanlari doktori, professor, OLLAMOV Yarash, yuriduk fanlari nomzodi, dotsent, OTAMURODOV Sa’dulla, falsafa fanlari doktori, professor, PRIMOV Azamat, filologiya fanlari nomzodi, dotsent, QUTLIYEV Uchqun, fizika-matematika fanlari doktori, professor, RO‘ZIMBOYEV Safarboy, filologiya fanlari doktori, professor, RO‘ZIYEV Erkinboy, pedagogika fanlari doktori, professor, SADULLAYEV Azimboy, fizika-matematika fanlari doktori, akademik, SADULLAYEVA Nilufar Azimovna, filologiya fanlari doktori, SAGDULLAYEV Anatoliy, tarix fanlari doktori, professor, SALAYEV San’atbek, iqtisod fanlari doktori, professor, SALAYEVA Muxabbat Soburovna, pedagogika fanlari doktori, SATIPOV G‘oipnazar, qishloq xo‘jalik fanlari doktori, professor, XODJANIYOZOV Sardor, pedagogika fanlari nomzodi, dotsent (bosh muharrir o‘rinbosari), YOQUBOV Jamoliddin, filologiya fanlari doktori, professor, O‘ROZBOYEV Abdulla, filologiya fanlari doktori, O‘ROZBOYEV G‘ayrat, fizika-matematika fanlari doktori, G‘AYIPOV Dilshod, filologiya fanlari nomzodi, dotsent.
JURNAL OYDA BIR MARTA NASHR QILINADI	
2021 4(166)	

MUASSIS: Urganch davlat universiteti. Jurnal O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi huzuridagi Axborot va ommaviy kommunikatsiyala agentligida 2020-yil 11-noyabrda ro‘yxatdan o‘tgan. **GUVOHNOMA № 1131.**

MUNDARIJA

MATEMATIKA

Matyoqubov Hikmatjon Shuhratovich, Ollayarova Oydin Husain qizi. Galliy arsenidi asosida olingan quyosh elementlarida himoya qoplamalaridan foydalanish imkoniyatlari.....	3
Баратов Файзулло Шукурович. Кватернионлар алгебрасини методик такомиллаштириш.....	5
Эшнӣёзов Абдумалик Искандар ўғли. Бесконечномерные бистохастические квадратичные операторы.....	7

FALSAFA

Абдурахмонов Ҳасан. Жамият ҳаётида инновацион тафаккурни шакллантиришнинг ижтимоий-маданий омиллари.....	18
Мардонов Равшан Субханович. Ғарбда таълим фалсафасининг янги билим соҳаси сифатида шаклланиши.....	20
Худайберганов Равшонбек Худайберган ўғли. Тил ва коммуникация ижтимоий онгни шакллантиришнинг муҳим омили сифатида.....	27
Жамолов Давронбек. Миллий маданият: таркибий таҳлил.....	31
Қамбаров Абдумутал Аҳаджонович. Қадриятлар тадқиқининг концептуал асослари ва ривожланиш босқичлари.....	35

TILSHUNOSLIK

Отабоева Мазмуна Раҳимовна. Сўз туркумларида градуонимия ҳодисаси.....	41
Жумаев Турсунали. Ўзбек тилида тақлидлардан юзага келган сўзларнинг тарихий-этимологик талқини ҳақида.....	44
Azimova Iroda Alisherovna. O'zbek tilidagi agrammatik afaziyada fe'llarning tushunilishi.....	47
Жуманиёзов Зоҳид Отабоевич. Немис, рус, ўзбек тиллари изохли луғатларида дипломатик терминларнинг тақдирот қилиниш масалалари.....	50
Рўзиев Яраш Бозорович. Немис тили замон шакллариининг публицистик матнларда прагматик мақсадда қўлланиши.....	54
Юсупова Хилола Саъдулла қизи. Особенности образования существительных при помощи аффиксов в современном китайском языке.....	56
Алимов Тохир Егамшукурович. Роль языка в выражении и передаче мысли.....	66
Байжанова Окила. Дипломатическая терминология и её особенности в разнотелетных языках.....	69

ADABIYOTSHUNOSLIK

Ҳамдамов Улуғбек. Асқад Мухтор шеърятининг ўзига хос хусусиятлари.....	73
Ўтанова Сирдарёхон. Искандар – адолат ва донишмандлик тимсоли.....	75
Абдуллаева Саломат Равшановна. Комил Аваз шеърларида ишқ ва маънавият масалалари.....	80
Жумаева Нилуфар. Уильям Фолкнер ижодида “онг оқими”.....	83
Умарова Махлиё. Вальтер Скоттнинг “Айвенго” асарида тарихийлик принципи.....	86
Сабирова Насиба Эргашевна. Бахшичилик санъатининг сўнгги тараққиёти.....	89

PEDAGOGIKA

Исматова Шахноза Мирахматовна. Талабаларнинг ўқув ютуқларини баҳолашда балл-рейтинг тизими кредит-модуль тизимининг таркибий қисми сифатида.....	93
Жуманазаров Умид Умрзоқович. “Таълимни рақамлаштириш” мобилъ ва ахборот технологияларидан фойдаланишнинг истиқболлари.....	96
Abdullayeva Lola Toxirovna. Chet tillarni o'qitishda filologiya yo'nalishi talabalarining sotsiologiyistik kompetensiyasini takomillashtirish.....	99
Turdiyeva Mohira Jo'raqulovna. Fanlararo integratsiya va interfaol metodlarning psixik jarayonlarga ta'siri.....	102
Ҳайдаров Комил Донабаевич. Шахс маънавий камолотида узлуксиз таълимнинг ўрни.....	106
Jalilova Guzal G'ulomovna. “Aralash” ta'lim shaklida “Flipped Classroom” modulining ahamiyati.....	110

Хакимова Шахноза Асранбек қизи. Инглиз тили нутқиға ўргатиш бўйича айрим методик тавсиялар.....	113
Xaitbayeva Nazokat Adilbek qizi. Boshlang'ich ta'limda yozma nutqni takomillashtirishning psixolingvistik asoslari.....	116
Салохитдинова Наврўза Муродулла қизи. Бошланғич таълим фанлари интеграциясида тушунчанинг ҳажми ва мазмунини шакллантириш асослари.....	119
Тожиёв Жавлон Каримбоевич. Технологик таълим йўналиши талабаларининг бадиий лойиҳалаш қобилиятларини ривожлантириш.....	123
Baymetov Botir Boltabayevich. Tasviriyl san'atdan malakali pedagog kadrlar tayyorlashda inson plastik tuzilishini o'rganishning metodik asoslari.....	126
Хасанова Вазира Хамиджановна. Инновационные образовательные технологии на уроках русского языка в неязыковых вузах.....	130
Собирова Дилдора. Письменный перевод как средство обучения иностранному языку в средней общеобразовательной школе.....	133
Musurmanova Shakhnoza Kuchkarovna. General Features of Translation of Military Texts.....	136

ILMIY AXBOROT

Хайдаров Боходир Бахтиёрвич. Фуқаролик жамияти таркибида ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият-ни шакллантиришнинг долзарб масалалари.....	140
Гавҳарой Исроилжон қизи. Ўзбекистонда бизнес туризм тарихи ва саёҳат таассуроти ва манзилгоҳ тасвирининг шаклланишига доир.....	142
Сапаева Райхон. Ўзбек тилида зооним таркибли фраземалар хусусиятлари.....	146
Begimov Odil To'xtamishovich. Janubiy O'zbekiston oronimlari tarkibida saqlanib qolgan orografik xarakterdagi eroniy arxaiik elementlar.....	150
Зиядуллаев Илҳом. Немис тилида феъл-неологизмлар морфологик ассимиляцияси.....	153
Казаков Илҳом Розаматович. Ўзбек ва қорақалпоқ тилларида -лик, -лық/-лик қўшимчаларининг функционал имкониятлари.....	156
Абдувалиева Дилноза Акрамовна. Алишер Навоийнинг полисемантик сўзлардан фойдаланиш ма-хорати.....	159
Сайидова Гулрух Ёкубовна. Навоий бадиий асарларида ҳайвон ва қуш номлари билан ҳосил бўлган ўхшатишларнинг семантик хусусияти.....	162
Каримова Дилафрўз Ҳалимовна. Ака-ука Гриммларнинг “Бир хумча шавла” эртагининг таржима вариантлари қиёси.....	166
Юнусова Дурдона. Шавкат Раҳмон ижодида от сўз туркумига ҳос метафораларнинг қўлланили-ши.....	171
Курбанова Саида. Мирпўлат Мирзо бадиий публицистикасига бир назар.....	174
Арустамян Яна Юрьевна. Роль контекста в художественном переводе.....	178
Рузметова Новваль Вахабджановна. Содержание, структура и сущность понятия «социокультурная компетенция».....	183
Kasimova Mehrixon Mutalxoja qizi. Use of Innovative Technologies in Teaching Foreign Languages...186	
Toshpulatov Dilshodjon Abdurafiqovich. Pedagogical Competence in Teaching Commercial Terminology Quality Development.....	189
Sanoyeva Gulbar Rizoqulovna. The Importance of Studying the Regional Dictionaries of English Lan-guage.....	192
Alimova Kamola Tursunovna. Professional Skills of a Guide-translator.....	194

Кўчаларни тўлдириб, саллониб хандон юрсалар.

Қиз-жувонларнинг қайсидир бир халқ қиёфасига кириб, турли-туман соч шакллари “кўз-кўз” қилиб юрган ҳозирги шиддатли давримизда шоирнинг ушбу хитоби миллий ўзликка интизорликнинг бир кўринишидир. Шоир даъвати ушбу шиддатли оқимни тўхтата олмаса-да, қалбда иштиёқ, ҳавас уйғотади, томирларда жўш урган аждодлар қонидаги истакларни жунбишга келтиради.

Ҳазалдаги ҳар бир байт қадимги қадриятларимизнинг бир лавҳасини кўз олдимизда жиллантиради. Шоир Наврўз байрами аргумчоқ учиш, терма, лапарлар ижро қилиш, қовуз чалиш каби қадимий маънавий-маъданий тадбирларнинг қайта амалга ошишини кўмсайди:

Куйлаган ҳилпиратиб, учиб аргумчоқ баҳсма-бас,

Қийқириб дил тафтини беқарор елга берсалар.

Сумалак оқишми шодликдан юраклар ҳапқириб,

Кўнгил армонларин тўкиб, завқли терма терсалар.

Нағма соз мафтунда бир гуруҳ қавузчилар,

Тебратиб лабларини тилсим наво изласалар.

Шоирнинг қадимги қадриятларни тиклаш орзуси ҳам истиқлол неъматидир. Ушбу ҳазал байтларидаги ҳар бир лавҳа ҳозирда ҳеч бўлмаганда Наврўз байрами кунлари намоёиш этилмоқда. Шунинг ўзи бир бахт! Чунки тоталитар тузум даврида маданий-маиший урф-одатларимизнинг аксарияти таназулга юз бурди, унутилиб кетди. Шоир ўз орзусининг яна бир асосий қисмини ҳазал мактаъсида беради:

Ва, ниҳоят, ниятим иккинчиси Комил Аваз,

Восил бўлгондин муродим мени шодон кўрсалар. (“Ўтаётган вақт”. 149-бет)

Ҳазалнавис ўзининг ёр васлига етишиш онларини ҳам ўша қадриятлар оғушида амалга ошишини орзу қилади.

Ҳазалда навбаҳор байрами лавҳалари-ишқ билан узвий боғлиқ ҳолда берилади. Чунки ёшлик, баҳор, севги ҳамиша бир-бирига ёндаш тушунчалардир.

Бинобарин, Комил Аваз ҳазалларида ишқ-муҳаббат тушунчаси лирик қаҳрамоннинг маънавий поклигини намоён қилишда асосий роль ўйнайди. Шоир севгини муқаддас билади унинг лирик қаҳрамони ахлоқий жиҳатдан барқарор, маънавий камолот томонидан юксак шахсдир. Унинг наздида муҳаббат, садоқат, маънавият ажралмас тушунчалардир.

Жумаева Нилуфар (Қарши ДУ) УИЛЬЯМ ФОЛКНЕР ИЖОДИДА “ОНГ ОҚИМИ”

Аннотация. “Онг оқими” техникаси орқали ҳикоя воқеаларини сўзлаб бериши – бу йигирманчи асрда адабий тадқиқотлар ривожланиши ва натижаси ҳисобланади. “Онг оқими” – бу ёзувчи худди ўз образлари ҳаёлот ичидан туриб ёзгандек ҳис қиладиган техникадир. Гарчи ушбу техникадан фойдаланишнинг шарафи Ж.Жойс ва В.Вульфга бориб тақалса-да, бу техника Фолкнер қалами орқали ўз чўққисига эришади.

Аннотация. Рассказывание историй с помощью техники «потока сознания» – это развитие и результат литературных исследований двадцатого века. «Поток сознания» – это техника, в которой писатель чувствует, что пишет изнутри воображения своих образов. Хотя честь использовать эту технику в большинстве принадлежит Дж.Джойсу и В.Вульф, эта техника достигает своего пика благодаря творчеству Фолкнера.

Annotation. Telling stories through the “stream of consciousness” technique is the development and result of literary research in the 20th century. “Stream of consciousness” is a technique in which the writer feels as if he is writing from within the imagination of his images. Although the honor of using this technique goes back to J.Joyce and W.Wolf, this technique reaches its peak through Faulkner’s pen.

Қалим сўзлар: онг оқими, Америка, услуб, персонаж, роман, қаҳрамон, муқофот, йўналиш.

Ключевые слова: поток сознания, Америка, стиль, персонаж, роман, герой, награда, направление.

Key words: stream of consciousness, America, style, character, novel, hero, reward, direction.

Уильям Фолкнер ўзининг роман, қисса ва сценарийлари билан машҳур бўлган буюк инглиз ижодкори, Нобел муқофоти совриндори. У ўз образларини Америка жанубининг тарихи, оиласи, ирқи, синфи, жинси муносабатлари каби омилларга асосланиб яратди. Уильям Фолкнер, ўзининг

тажрибаларида кўп қўллаган “онг оқими” (the stream-of-consciousness)дан ҳикоя услубида фойдаланган. Жеймс Жойснинг “Улисс” (Ulysses. 1923), Дороти Ричардсоннинг “Зиёрат” (Pilgrimage, 1915–1938) ва Виржиния Вулфнинг “Маёқ сари” (To the Lighthouse, 1927) асарлари таъсирида Фолкнер ўз романларида онг оқими техникасини қўллаган ва адабиётнинг асосий танқидчилари буни “ички монолог” деб таърифлаган.

Амалдаги услубни ўрганиш потенциали асосан Фолкнер услубининг батафсил бўлинишига тўғри келади. Унинг ёрқин ҳикоя услубини талқин қилиши қийин кечади, чунки у ўз қаҳрамонларига берилган майдонда уларга тортишувларини, кечинмаларини намоён қилиш учун барчага баробар вазиятларни беради.

Романдаги марказий ҳақиқат, уларнинг макон ва замонидан қатъий назар, уларнинг атрофида айланади. Асарда ушбу услубнинг мохирона қўлланилганлиги китобхонларни романга боғлаб қўяди ва унинг ёрқинлиги яна-да муҳим кадриятларга эга бўлади.

Онг оқими – бу Уильям Жеймснинг “Психология асослари” (1890) асарида баён қилиш усуллари тавсифловчи ибора бўлиб, Фолкнер ўз қаҳрамонларининг айтилмаган фикрларини ўрганиш ва очиб бериш учун уни “онг оқими” деб номлаган ҳамда адабий техника сифатида фойдаланган. У ўқувчиларга ўз замонасининг энг яхши бадиий асарларини яратиб бериш учун ундан ҳаддан ташқари кўп фойдаланган.

Адабиётшуносликда онг оқими – бу ҳикоя қилиш услуби бўлиб, у персонажларнинг реакциялари билан боғлиқ ҳолда, ноаниқ ички монологда ёки қаҳрамонларнинг фикрлари жараёнини кузатиб боришнинг ёзма эквиваленти билан тасвирлашга интилади. Бу ички монологнинг махсус шакли бўлиб, кўпинча, матнни тушунишга ёки ўқувчилар томонидан таъқиб қилишни қийинлаштирадиган синтаксис, тиниш белгилари ва ҳикоя сюжетлари билан боғлиқлиги билан тавсифланади. Онг оқими ёзувчиларга учинчи шахснинг нутқи ва драматик монологи билан сахнага мурожат қилишларига имкон беради.

Бу атама Александр Бейн (Alexander Bain. 1818–1903) томонидан 1855 йилда ёзилган “Туйғулар ва ақл” (“The Senses and the Intellect”)нинг биринчи нашрида шундай деб ёзади: “Ҳиссиётларнинг бир умумий онг оқимида (бир хил мия трактида) бирлашиши турли хил ҳиссиётларга имкон беради, худди шу туйғу ҳиссиётлар каби осонлик билан боғланади”.¹ Бироқ онг оқимидан 1890 йилда фойдаланган Уильям Жеймс (William James) ўзининг “Психология тамойиллари”да: “...ҳеч нарса қўшилмайди; у оқади. “Дарё” ёки “оқим” бу метафора бўлиб, у энг табиий равишда тасвирланган. Бу ҳақда бундан кейин гапирганда, уни фикр, онг ёки субъектив ҳаёт оқими деб атаيمиз”.² 1918 йилда романнавис ёзувчи Май Синклер (May Sinclair. 1863–1946) уни бадиий контекстда биринчи марта ишлатган. У Дороти Ричардсон (Dorothy Richardson)нинг романларини муҳокама қилаётганида буни айтиб ўтган.

Адабиёт тарихида онг оқимидан фойдаланишнинг энг таниқли намунаси бу Жеймс Жойснинг “Улисс” (1922) романида Леополд ва Молли Блум ҳамда Стивен Дедалус каби қаҳрамонларнинг ички ҳолатини ўта мураккаб ҳолда ёдга тушириши ҳисобланади. Шунингдек, австриялик адиб Артур Шницлер (Arthur Schnitzler. 1862–1931) томонидан ёзилган “Лейтенант Густл” (Leutnant Gustl. 1901) романида Биринчи жаҳон урушидан олдинги Вена атмосферасини қайта тиклаш учун онг оқимидан фойдаланган. Бундан ташқари, олтига қаҳрамоннинг болалигидан кексаликка қадар ҳаётини ҳикоя қиладиган мураккаб роман бўлган Виржиния Вулфнинг “Тўлқинлар” (The Waves. 1931) ва, албатта, Уильям Фолкнернинг “Шовқин ва ғазаб” (The Sound and the Fury. 1929) романларида онг оқимидан жуда юқори даражада фойдаланилган. Онгни ҳикоя қилиш услубида ёзилган китобда ўқишни бошлаганингизда, у эркин ёзувга ўхшаб кўриниши мумкин. Бироқ, улар умуман, бошқача. Эркин ёзиш фаолияти – бу ижодкорликдаги тақиқларни олиб ташлаш техникаси, бепул ёзиш, ёзувчини маҳсулотни таҳрир қилмасдан ёки ташвишланмасдан сўзларни қоғозга туширишга ундайди, чунки уларнинг аксарияти жуда қизиқ бўлиши шарт эмас. Бошқа томондан, онг оқими, бу биров “тасодифий” таассурот қолдирган ҳолда, сайқалланган ва мақсадга мувофиқ ёзишни кўрсатади. Онг оқими техникасидан фойдаланган муаллифлар буни қаҳрамонни бир жойдан иккинчисига ички томондан йўналтириш ва шунчаки персонажнинг фикрларини ҳаёлларга бериб юбормаслик ниятида қилишади. Онг оқими персонажнинг ўз ҳаёти ҳақидаги ўйларида нозик

¹ <https://www.cambridge.org/core/journals/journal-of-mental-science/article/the-senses-and-the-intellect-by-alexander-bain-m-a-professor-of-logic-in-the-university-of-aberdeen-second-edition-london-longman-and-co-1864>, p. 646.

² James William. The Principles of Psychology, New York, Dover Publications, 1950, p. 239.

ва баъзан тез ўтишларига тўғридан-тўғри қарашни беради. Бу эса ўқувчи ва қаҳрамон ўртасидаги жуда яқин муносабатларни таъминлайди.

Уильям Фолкнер адабиётга йўқотилган авлоднинг бошқа вакиллари сингари Биринчи жаҳон урушидан кейин кириб келди. У онг техникаси оқимининг ўзига хос энг таъсирчан ёзувчиси бўлди. Унинг “Шовқин ва ғазаб” ва “Мен ўлаётганимда” романларида ушбу услубдан фойдаланганлиги, эҳтимол, биз ҳозиргача қўлга киритган энг муваффақиятли ва самарали қўлланилишидир.

Бошқа америкалик назариётчилар ҳам ушбу фикрга қўшилишади. Жозеф Рид (Joseph W. Reed)нинг фикрича, Фолкнернинг ҳикоя услуби “кучли ва ўзаро таъсирли” деб ҳисоблайди, яъни:

1. Қаҳрамонлар ўртасида. 2. Қаҳрамонлар ва ҳикоя қилувчи ўртасида. 3. Қаҳрамонлар, ҳикоя қилувчи ва китобхон ўртасида.¹

Унинг “Шовқин ва ғазаб” романи онг оқими ва умуман, барча модернистик санъат романининг ўзига хос классик намунаси ҳисобланади. Хофман Фолкнер бу романини яратишда “онг оқими” техникаси имкониятларидан ниҳоятда юксак даражада, ҳамда онг остидан энг моҳирона фойдаланишни топа олган дейди.²

Ушбу романга Уильям Фолкнернинг энг сара асарларидан бири сифатида қаралади. У инсон онгини, фикрлаш жараёнини тиклаш қобилияти учун мактовга сазовор бўлди. Бундан ташқари, онг оқимининг адабий техникасида муҳим ривожланиш сифатида қаралади. Адабиётдаги аҳамияти билан бир қаторда, фуқаролар уруши ва қайта тикланишдан кейинги Америка Жанубининг муҳим муаммоларини ёритиб берди.

Роман тўрт қисмга бўлинган – 1928 йилдаги Пасхадан уч кун олдин ва Пасха куни биринчи, учинчи ва тўртинчи қисмда тасвирланган, иккинчи қисмда эса яна ортга қайтиб, 1910 йилдаги кун тасвирланган. Роман АҚШнинг жанубида яшовчи Компсонлар оиласининг барбод бўлиш тарихига бағишланган. Ушбу ажойиб асарнинг тўрт қисми турли хил қаҳрамонларга бағишланган: аввал, ривоят аҳмоқ Бенжидан, кейин унинг укаларидан, ниҳоят, муаллифнинг ўзи, у қора хизматчи Дилсей томонидан гапиради. Ушбу нуқтаи назарнинг ўзгариши туфайли биз персонажларни шу қадар яқиндан биламизки, воқеалар ичида ўзимизни ҳис қила бошлаймиз ва ўз оиламиз аъзолари сифатида қаҳрамонларга ҳамдард бўламиз.

Оиланинг парчаланиши ва ўлими мавзуси жаҳон адабиётида янги эмас, ҳатто реалистик жанр учун анъанавийдир. Фолкнернинг анъанавий мавзунини очишдаги янгиликлари бадиий қарашнинг янгилигида, мураккаб, дискрет, хаотик ҳақиқатни етарлича акс эттира оладиган янги бадиий тилни яратишда, замонавий одамларнинг онг ости тубига қарашга уринишда ва баъзи руҳий ўзгаришларни акс эттиришидадир. “Шовқин ва ғазаб” романининг бадиий ўзига хослиги бир қатор инновацион техникани қўллаш билан боғлиқ. Жойсдан бошланган “онг оқими” услуби Фолкнер томонидан романда структурани шакллантириш принципи сифатида ҳам, психологизм имкониятларини кенгайтириш тарафидан ҳам жуда зўр ишлатилган.

Бундан ташқари, ёзувчи ўз романида танқидчилар “икки томонлама кўриш” деб атаган нарсани қўллаган, гарчи романда ишлатилган образ принципини “кўп ўлчовли” деб аташ тўғри бўлса-да. Ушбу тамойил шундан иборатки, бир хил вазиятлар ва қаҳрамонлар турли дунёқарашга, турли хил психологик муносабатларга эга бўлган кишиларга тегишли бўлган бир неча нуқтаи назардан пайдо бўлади.

«Вақт – бу мавжуд бўлмаган суюқлик у одамларда синдирилган ҳолатдан бошқача эмас, “бўлди, бор эди”, деган нарса йўқ, фақат “бўлади, бор”, дея таъкидлаган Фолкнер.³ Бунинг қийинчилиги шундаки, илк “онг оқими”нинг ишлатилиши туғма аҳмоқ Бенжаминга тегишли. Фолкнернинг ақлдан озган одамлари ўзларининг дунёқарашларига эга. Муаллифининг концепцияси учун аҳамиятли бўлган Бенжи “овози” роман номи билан ҳам тасдиқланган.

Фолкнер XX аср адабиёти назм ва насрини жасоратли тажрибалари билан бойитди, бадиий матнда вақт категориясини турли нуқтаи назарларни ғайриоддий синтези билан янгича талқин қилишни таклиф қилди. Жозеф Уоррен Бич (Joseph Warren Beach. 1880–1957) шундай дейди: “Онг оқими – бу инглиз тилидаги замонавий бадиий адабиётга ўз изини қолдирган эпидемиядир. Ушбу номувофиклик одатдаги ва ғайритабиий руҳий ҳолатимизни тавсифлайди. Ғояларнинг та-

¹ Reed Joseph W. Faulkner's Narrative. New Haven, Yale UP, 1973.

² Hoffman Frederick J. William Faulkner. 2nd ed. rev. New York, Twayne, 1966.

³ Stream of Consciousness, a Literary Technique in William Faulkner's Fictions Ms.M.Parvathi and Dr.P.K. Harinath.

бийи бирлашиши ниҳоятда ғалати. Бизнинг психикамиз шу қадар номукамал, бирлаштирилган хотиралар, ҳислар ва импульслар тўпламидир, чунки баъзи бир ҳукмрон мотивлар томонидан қаттиқ назорат қилинмаса, у ҳар қандай ғайритабiiй таклифлар шафқати остида қолиши мумкин”.¹

Роман муаллифининг асосiiй қизиқиши ички монологдан фойдаланиш орқали ҳар бир ҳикоячининг муҳим шахсиятини очиб беришда ётади. Фолкнер бизни ҳикоячининг юраги ва хаёлига тил қудрати ва қамрови ичида бўлганидек яқинлаштиради. Фақатгина бу эмас, роман Компсон оиласининг ўтмиши ва бугунини таққослаш орқали тафаккур қадрини олиб келади.

Хулоса қилиб айтганда, романнинг муваффақияти Фолкнерга тегишли “онг оқими” техникасидан уddaбурунлик билан фойдаланишда кўзга ташланади. Шу сабабли у Нобел мукофотида лойиқ топилади. Фолкнер биргина ана шу дурдона асари туфайли авлодлар томонидан ҳам ёдда тутилади.

**Умарова Махлиё (Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университети докторанти, ф.ф.н., доцент)
ВАЛЬТЕР СКОТТНИНГ “АЙВЕНГО” АСАРИДА ТАРИХИЙЛИК ПРИНЦИПИ**

Аннотация. Мазкур мақола Шотланд адабиётининг машҳур вакилларида бири жаҳон адабиётида тарихий роман жанри асосчиси деб тан олинган адиб Вальтер Скоттнинг ижодидаги тарихий романларнинг ўрнига бағишланади. Мақолада унинг “Айвенго” асарида тарихийлик масалаларига алоҳида аҳамият берилган.

Аннотация. Статья посвящена значению исторических романов в творчестве Вальтера Скотта, одного из самых известных представителей шотландской литературы, признанного основоположником жанра исторических романов в мировой литературе. В статье особое внимание уделяется историческим вопросам в его произведении «Айвенго».

Annotation. The article is dedicated to the significance of historical novels in the creation of one of the most famous representatives of Scottish literature Walter Scott who recognized as the founder of the genre of historical novels in the world literature. The special attention is paid to historical issues in his work “Ivanhoe”.

Калим сўзлар: тарихий роман, миллий қаҳрамон, жамият манфаатлари, тарихий тақдир, давр колорити, тарихий шахс, давр тафсилоти, реал воқеа.

Ключевые слова: исторический роман, национальный герой, общественный интерес, историческая судьба, колорит периода, историческая личность, описание периода, реальное событие.

Key words: historical novel, national hero, public interest, historical fate, flavor of the period, historical personality, description of the period, real event.

Жаҳон адабиётида ўзининг тарихий асарлари билан шухрат қозонган шотланд ёзувчиси Вальтер Скотт, ҳақли равишда, тарихий романнинг яратувчиси ҳисобланади. Тарихийлик концепцияси, ўз даври учун инновацион, миллий ўтмиш ҳақидаги энциклопедик билим, давр колоритини қайта тиклаш қобиляти бундан ташқари, мамлакат учун тарихий саналган даврларда инсонлар тақдири тасвири, миллий характерга эга бўлиш, унда ахлоқий идеални топишга уриниш – буларнинг барчаси Скоттнинг асарларига ҳос хусусиятлардир. Скоттнинг эпик ҳикоя қилиш иқтидори унга муносиб халқаро эътирофга сазовор бўлди. Америка адабиётида, жанр нуқтаи назаридан, унга энг яқин бўлган ёзувчиси Жеймс Фенимор Купер эди. Шунингдек, америкалик ёзувчи Вашингтон Ирвинг бутун умри давомида Скотт ижодидан илҳомланиб, асарлар яратди. Ирвинг учун Скотт даҳо эди ва у билан замондош, суҳбатдош бўлишни у ўзи учун тақдирнинг совғаси деб биларди. 1858 йил октябрь ойида ёзувчининг оила даврасида ўтирган 75 ёшли Ирвинг “Унинг хонадонида ўтиришдек бахтга муяссар бўлишдан ортиқ бахтни умрим давомида ҳис қилмаганман”,² дея эътироф этади.

Скоттнинг тарихий романларининг ўзига хослиги унинг дунёкараши билан белгиланади. У консерватив қарашларга содиқ қолиб, Тори ҳукуматини қўллаб-қувватлаб, конституциявий монархия тарафдори эди. Ёзувчи халқнинг ҳақ-ҳуқуқли бўлишини маъқуллагани билан, инқилобий ўзга-

¹ Joseph Warren Beach. The Twentieth Century Novel, Studies in Technique (New York: Appleton-Century-Crofts, Inc), 517.

² Irving P.M. The Life and Letters of Washington Irving: by His Nephew, Pierre M. Irving P.M. Irving. New York, G.P.Putnam. 441 Broadway, 1864, V. IV, p. 261 (452 p).